

МУЗЕЙ-ХАЛҚ ХОТИРАСИННИНГ КЎЗГУСИ

Одилжон Одилов

Термиз археология музейи фондлар бош сақловчиси.

Баҳром Салимов

Бош мутахассиси.

Аҳмад Воҳидов

Бош мутахассиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20579730>

Аннотация. Ушбу мақолада музейлар фаолияти, музей туризмни ташкил этилиши, Музейшунослик соҳаси ривожланиши, Президент Шавкат Мирзиёев 27 май куни «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Археология объектларини музейлаштириши, 2022-2026 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар келтирилган.

2022-2024 йилларда давлат музейларида ихтисослаштирилган реставрация лабораторияларини ташкил қилишнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, ҳар бир музейда унинг профессионал хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: “Музейшунослик” фани, Давлат музейлари. Президент қарори, “Музейда тун”, “Open Air Fest”, давлат музейлари, ягона музей, музей-қўриқхоналар.

Музей – тарих кўзгуси. Ҳар қандай давлат ва халқнинг ўтмиши, маданияти, турмуш тарзи, анъана ва қадриятлари бу масканлардаги тарихий ашёлар, китоблар, экспозиция ва кўргазмаларда акс этади. Музейлар ана шу жиҳатлари билан доим кишиларни, айниқса, сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Қолаверса, бу орқали туризмни ривожлантириш ва иқтисодий манфаатдорликка эришиш мумкин.¹

Мустақиллик йилларида республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар Музей қўриқхоналарни қайта тиклаш, уларни таъмирлаш ва консервациялаш ишларига эътиборни кучайтириб, янги туристик маршрутлар тизими ишлаб чиқишга йўл очди. Халқаро ва маҳаллий арт-туризмни ривожлантириш, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъати анъаналарини тиклаш учун шартшароитлар вужудга келди. Тарихий-маданий мерос ёдгорликларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Замонавий илмий-техникавий, маданий-бадий жараёнлар, музей-қўриқхоналар фаолиятига янгича ғояларни татбиқ этиш асосида музей экспозицияларининг қиёфаси янгиланди. Экспозицияларнинг электрон вариантлари, мультимедиа маҳсулотлари, музей тўғрисидаги маълумотлар Интернет сайтларига жойлаштирилди. Сайёҳларга замонавий ахборот технологиялари асосида музей туризми фаолиятига доир турли мобил иловалардан самарали фойдаланиш ва ижтимоий тармоқлардаги туристлар таассуротлари интерфаол асосда ўрганилиб, таҳлил қилиш имкониятлари яратилди.

¹ Музейлар ҳаётида янги давр бошланди. 12.05.2023

Хива, Самарқанд ва Бухоро каби музейлаштирилган шаҳарларнинг тарихий марказларини консервация ҳамда реставрация қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда туризмни ривожлантиришга оид аналогик тажрибалар ўтказиш масалаларига қаратилган ўқув семинарлар ташкил қилиниб, маҳаллий ва хорижий туристик фирмалар бошқарувчилари, тадқиқотчи олимлар, музейшунослар ҳамкорлигини кенг йўлга қўйган ҳолда, уларнинг натижалари умумлаштириб келинмоқда.

Демак, музей туризмни ташкил этилиши, инновацион ғояларни туризм соҳасига татбиқ этиш йўллари ва усуллари, фандрайзинг стратегияси амалиёти, ПР (паблик релейшнз) дастурлари асосида фондларда сақланаётган ноёб экспонатларни электрон сайтларга киритиш, брендинг, паблисити имижи яратиш жараёнлари асосидаги хорижий тажрибани Ўзбекистон музейлари туристик индустриясига киритиш, бу борада малака ошириш курсларини ташкил этиш давлат сиёсати даражасида ҳал қилиниши лозим бўлган долбзарб масалага айланмоқда.

Дарҳақиқат, замон тақозоси билан музей ва музейшунослик соҳаси ривожланиш тарақиётининг янги пағонасига ўтганлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Албатта, музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир.

Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг қиёфасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаш, замонавий услубда таъмирлаб келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўллари бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади².

Бугунги кунда халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ аънаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўла қондиришга, театр, мусиқа, тасвирий санъат ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тарақиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодкорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.³

Маълумки, тарихий Маълумки, тарихий осори- атиқаларни излаб топиш, авайлаб сақлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб этиш, кейинги авлодга етказиш - музей соҳаси ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади.⁴

Президент Шавкат Мирзиёев 27 май куни «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

² Ҳ.Ҳ.Тўраев “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллари 373-374 бетлар Бухоро – 2020 372-373 бетлар

³ К.Нишанов. Музейшунослик фани.Тошкент 2019. 3 бет.

⁴ Музей фаолияти такомиллашмоқда Хива

Хужжат матни ЎзАда [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](#).

Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад — мамлакатдаги музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасини комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек, музейларда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, биринчи ва иккинчи Ренессанс даврлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид замонавий янги экспозицияларни яратиш, музей тўпламларидаги бой тарихий ва маданий меросни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Хужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

2022–2023 йилларда давлат музейларида ташкил этиладиган қўшимча хизматларнинг манзилли режаси 1-иловага мувофиқ;

- Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид 2022–2024 йилларда янги ташкил этиладиган экспозицияларнинг манзилли режаси;

- 2022–2024 йилларда давлат музейларида ихтисослаштирилган реставрация лабораторияларини ташкил қилишнинг манзилли режаси 3-иловага мувофиқ;

- Ноёб музей ашёлари ва коллекцияларининг репликацияларини тайёрлаш ҳамда уларни реализация қилиш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар;

- Музейлар соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш режаси;

- 2022–2023 йилларда музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича чоратadbирлар дастури.

Музейларда хизматлар соҳасини кенгайтириш мақсадида **2022 йил 1 июлдан бошлаб**

- давлат музейларига ҳар куни соат 22:00 гача ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилади, шунингдек, заруратга кўра, давлат музейлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тунги иш вақти муддатларини белгилаши мумкин;

- пулли хизматлар кўрсатишда иштирок этган музей ходимларига қўшимча тўловлар тўланади ва улар моддий рағбатлантирилади. Қўшимча тўловлар тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби музейлар томонидан уларнинг юқори турувчи органи билан келишган ҳолда белгиланади;

- давлат музейларига уларда ташкил этиладиган хизматлар учун Маданий мерос агентлиги билан келишган ҳамда бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида қўшимча ходимларни жалб этишга рухсат берилади.

Давлат музейлари томонидан хизматларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари, музейларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Маданий мерос жамғармаси маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.⁵

⁵ Давлат музейлари. Президент қарори.

Дунёда шундай музейлар борки, ҳар йили миллионлаб даромад кўради. Масалан, Париждаги Лувр музейига йилига 11 миллион нафаргача сайёҳ ташриф буюрар экан.

Нью-Йоркдаги Метрополитен музейини 7 миллион нафаргача, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейини 5,5 миллион нафардан ортиқ одам томоша қилади.

Албатта, текинга эмас. Луврдаги ажойиботларни кўриш учун 17 евро, бизнинг пулга 200 минг сўмдан ошқроқ тўлаш керак. Метрополитен музейига 25 доллар, Эрмитажга 500 рубль эвазига кириш мумкин. Шу билан бирга, музейлар пул топиш манбаи эмас, балки тарихий асори-атиқалар, санъат асарларининг ишончли сақланишининг муҳим манбаи ҳамдир. Хўш, бизда-чи, мазкур йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

Ўзбекистондаги қатор музейларга озми-кўпми, томошабинлар келишади. Айниқса, мактаб болалари, талабаларнинг музейга экскурсияга бориши кўп учрайдиган ҳолат.

— Юртимиз музейлари 130 йиллик тарихга эга, — дейди **Ўзбекистон Фанлар академияси матбуот хизмат раҳбари Моҳира Жуманова**. — 1917 йилгача Тошкентдаги биринчи ва ягона музей — Тошкент музейи бўлган. 1917 йилдан кейин турли ихтисосликдаги кенг экспозицияларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошлаган. 1918 йил князь Н.Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида Бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи), 1921 йилда Эски шаҳар музейи, 1926 йилда Ўзбек эски шаҳар музейи ташкил қилинган. Маданий тараққиёт янги музейлар ташкил қилиш ва мавжуд музейларни қайта жиҳозлаш зарурлигини тақозо этган.

Ўрта Осиё музейининг геология, зоология, ботаника ва антропология бўлимлари, қишлоқ хўжалиги музейи ва ҳайвонот боғи Табиат музейига айлантирилган. Республика кўرғазмалари негизида Политехника музейи (1933), Амалий санъат музейи (1937, 1937-91 йилларда Амалий санъат асарлари доимий кўрғазмаси) ташкил қилинди, Адабиёт музейи тузилди. Умуман, турли тармоқлар тизимида 100 дан ортиқ музейлар фаолият юритмоқда. Май ойи охирида Президентимизнинг “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Юртимиздаги музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасини комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек, музейларда миллатимиз тарихига оид замонавий янги экспозицияларни яратишга йўналтирилган қарор соҳа ходимлари томонидан кўтаринки қарши олинди.

Қарорда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги етакчи музей ҳамда музей-кўриқхоналарнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва оммалаштириш, моддий-техник базасини бойитиш, реставрация ишлари билан боғлиқ лабораториялар фаолиятини ташкил этиш каби муҳим вазифалар ва уларнинг бажарилиш механизмлари аниқ кўрсатиб берилган.

— 2022-2023 йилларда давлат музейларида ташкил этиладиган кўшимча хизматларнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, унга кўра, ушбу муассасаларда “Музейда тун”, “Open Air Fest” каби кўнгилочар дастурлар, концерт, томошалар, уста-

хунармандларнинг маҳорат дарслари, совғалар ва сувенир дўкони, хунармандлар устахонаси ва савдо шохобчалари, онлайн дўконларни ташкил этиш кўзда тутилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ойдин Абдуллаева**. — Шунингдек, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид 2022-2024 йилларда янги ташкил этиладиган экспозицияларнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, экспозиция номи, унинг ўтказилиш муддати ва унга масъул этиб белгиланган ташкилотлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Бунда ўзбек халқи тарихининг асосий босқичлари саналган Кишилик тарихидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, Тошкент воҳаси моддий маданияти, Шарқ алломаларининг аниқ ва табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси, Қадимги цивилизация излари, Ислом юксалган юрт, Илк давлатчилик куртаклари, Турон ҳарбий санъати каби қизиқарли мавзуларни ёритиш вазифаси белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда, 2022-2024 йилларда давлат музейларида ихтисослаштирилган реставрация лабораторияларини ташкил қилишнинг манзилли режаси келтирилган бўлиб, ҳар бир музейда унинг профессионал хусусиятидан келиб чиқиб, муайян соҳалардаги лабораторияларни ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Бунда археология ва этнография ашёлари лабораторияси, тасвирий санъат лабораторияси, халқ амалий санъати лабораторияси, ёғоч ва металл буюмлар лабораторияси кабиларни ташкил этиб, фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Қарорда яна бир муҳим нарсага эътибор қаратилганки, бу репликация, яъни маълумотнинг нусхасини яратиш. Шунга биноан, ноёб музей ашёлари ва коллекцияларининг репликацияларини тайёрлаш ҳамда уларни реализация қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар келтирилган. Унга кўра, турли йилларда нусхаси яратиладиган асарларнинг сони ва репликация жараёнига жалб этиладиган масъуллар рўйхати аниқ кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, музейлар соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш режаси муҳим вазифалардан бири сифатида қарордан жой олган. Унда давлат музейларига ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш тавсия этилаётган хорижий музейлар ва халқаро ташкилотларнинг номи келтирилган бўлиб, уларнинг орасида Мустақил музейлар ассоциацияси (Буюк Британия), Америка музейлари иттифоқи (АҚШ), Британия музей дўстлари ассоциацияси (Буюк Британия), Ирландия музейлар ассоциацияси (Ирландия), Музейлар компьютер тармоғи (АҚШ), Музейлар компьютер гуруҳи (Буюк Британия), Тўпқопи саройи музей кутубхонаси (Туркия), Консервациялаш институти (Италия) каби нуфузли муассасаларнинг номлари келтирилган. Президент қарорининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда 2023-2026 йилларда музейлаштириладиган археология ёдгорликларининг манзилли режаси тасдиқланди.

Ушбу режага биноан, Далварзинтепа, Мингтепа, Чилонзор оқтепаси, Шерозқалъа, Қўйқирилган қалъа, Нур қалъаси, Қадимги Поп, Қалиятепа, Қоратепа, Қува шахристони, Ақчахан қалъа, Пойкент, Юнусобод оқтепаси, Қанқа, Авросиёб, Тупроққалъа, Ерқўрғон,

Қоратош тепа каби ноёб археология объектлари аҳоли томонидан ташриф буюриб, томоша қилиш мумкин бўлган манзилларга айлантирилади.

Археология объектларини музейлаштириш – музей фаолияти ва ёдгорликларини муҳофаза қилиш доирасидаги йўналиш бўлиб, тарих ва маданиятнинг кўчмас ёдгорликларини, шунингдек, табиий объектларни музей экспозицияси объектларига айлантиришдан иборат. Маданий мерос объектларини музей экспозицияси объектига айлантириш жараёни ёдгорликларни ўрганиш, уни консервация ва реставрация қилиш, бадиий-меъморий интерьерларни, маданий ва тарихий муҳитни сақлаш ва тиклаш, талқин этишни ўз ичига олади. Бу эса доимий экспозиция ва кўргазмаларни ташкил этиш ва маданий мерос объектларини оммалаштириш имконини беради.

Шубҳасиз, Ўзбекистон бутун жаҳон тамаддуни ривожига муҳим ўрин тутган давлатдир. Мамлакатимиз тарихи ва маданиятига мансуб маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва уларнинг кадр-қиммати ни янада ошириш Учинчи Ренессансга пойдевор қўяётган Янги Ўзбекистон учун ўта муҳим масала ҳисобланади. Шундай экан, масқур қарор соҳа ривожига учун ўта муҳим аҳамият касб этади.⁶

Хулоса қилиб айтганда, охириги ўн йилликларда музей экспозицияси санъати, ижоднинг мустақил тури сифатида тасдиқланди. Замонавий музей экспозицияси – бу музей илмий ходимлари ва экспозиционер-рассомларнинг биргаликда олиб борган меҳнатининг самарасидир. Лекин шунинг таъкидлаш жоизки, музей экспозицияси санъатида ечилмаган муаммолар ҳам кўп. Шунинг учун у музей иши каби, ижодий тажрибага муҳтож ва уни ҳар томонлама мукамал ўрганиб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Музейлар ҳаётида янги давр бошланди. 12.05.2023
2. Ҳ.Ҳ.Тўраев “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжуман материаллари 373-374 бетлар Бухоро – 2020 372-373 бетлар
3. ЗК.Нишанов. Музейшунослик фани. Тошкент 2019. 3 бет.
4. Музей фаолияти такомиллашмоқда Хива
5. Давлат музейлари. Президент қарори.
6. У. Ибодинов. Музейлар фаолияти такомиллаштирилади кўзгу.
7. Болтаев Б.Б. Мустақиллик йилларида аналогик музей-қўриқхоналарини қайта тиклаш ва улар орқали туризмни ривожлантириш омиллари
8. МУЗЕЙШУНОСЛИК XXI АСРДА: ТАДҚИҚОТЛАР, АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами ТОШКЕНТ – 2022

⁶ У. Ибодинов. Музейлар фаолияти такомиллаштирилади. КЎЗГУ